

# ПУДРАТ ШАРТНОМА СИ № - 1

«12» май 2022 й.

Лот 73030

Бухоро шаҳар

“Фаровон қурилиш” 2018 МЧЖ, (кейинги ўринларда) “Пудратчи” деб юритилади) номидан ўзининг низом асосида иш юритувчи Рашидов Ш тимсолида, бир томондан ва Бухоро давлат тиббиёт институти, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ўзининг низом асосида иш юритувчи ректор в.б Тешаев Ш.Ж тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-амалий стоматологик таълим бўлимини жорий таъмирлаш (жой ва бажариладиган ишлар номи) ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан капитал таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 27028500 (Йигирма етти миллион йигирма саккиз минг беш юз) сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 27028500 (Йигирма етти миллион йигирма саккиз минг беш юз) сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши 30 фоиз тўлов ўтгандан сўнг бошланади.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» май 2022 йил.

## 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 4. ТўЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 27028500 (Йигирма етти миллион йигирма саккиз минг беш юз) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома 30 % ёки 8108550 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг май ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 18919950 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 31 майгача амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 27028500 (Йигирма етти миллион йигирма саккиз минг беш юз) сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдориди;

- кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдориди;

- ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдориди;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

## 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорда «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

## 7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалиқ судларида ҳал этилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Ғазначилик рўйхатдан ўтгандан сўнг 31-декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган «Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидаларига» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «ПУДРАТЧИ»

«Фаровон қурилиш» 2018 МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилоят Шофиркон туман Нурафшон МФЙ

Тел./факс: +99897-307-55-01

х/в: 20208000600941801001

Банк номи: Ипотека банк Бухоро ш

МФО: 00088

ОКОНХ: 87000

СТИР: 305855260

### «БУЮРТМАЧИ»

Бухоро давлат тиббиёт институти

(бюджетдан маблағ оловчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Навоий 1 уй

Тел./факс: 223-50-00

х/в: 400910860064017094100054002

бюджетдан маблағ оловчи СТИРи: 201511814

ОКОНХ: 92110

Ғазначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти

бўйича Ғазначилик бошқармаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий

банкнинг ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар в.б:

(лавозим)

Тешаев Ш.Ж

(Ф.И.Ш)

(имзо)



Раҳбар:

Рашидов Ш  
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

(имзо)



М.Ў.

Катта юристконсулт

Х.Хамидов